

Ким Ин Тэ
(тадқиқотчи)

Фразеологик бирликлар ва лексикализация ҳодисаси

Маълумки, фразеологик бирликлар дейилганда, тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлган ва нутққа шундайлигича олиб кириладиган, шаклан сўз бирикмаси ёки гапга ўхшайдиган, мазмуни кўчма маънога асосланган тил бирликларини ёки луғавий бирликларни тушунамиз.

Ҳозирги ўзбек фразеологияси фанида қабул қилинган қарашларга кўра, ФБлар муайян нутққа киритилгунга қадар ҳам мазмун, ҳам ифода планида шаклланиб бўлган ва тил истеъмолчилари томонидан шу ҳолатда англаб етилган ҳамда қабул қилинган бўлади. Бунинг маъноси шуки, ФБларнинг нутққа тайёр ҳолда олиб кирилиши уларни тил ҳодисаси сифатида эътироф этишимизни тақозо этади. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг уларни тил бирлиги дейилишида масаланинг ана шу жиҳатини эътиборга олишган. Ҳатто Ф.де Соссюр ҳам «Умумий тилшунослик курси» асарида тилда шундай тайёр бирикмалар борки, уларнинг узуал характери маъноси ва синтактик хусусиятидан келиб чиқади. ...бундай бирикмалар тайёр ҳолда, анъанага кўра қўлланади, деган эди. (*Фердинанд де Соссюр*. Труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1977, с.157. *Таржима Б.Йўлдошевники*. Қаранг: 1, 4).

Фразеологизмлар, албатта, бирдан ортиқ сўзнинг бирикувидан таркиб топиб, сўз каби бир тушунчага асосланган маъно билдиради. Лекин, унинг таркибида бир нечта сўз бўлишига қарамай, бир сўз каби бир луғавий бирлик ҳисобланади. У, сўзлар бирлигидан таркиб топган бирикма ёки предикатив қўшилма қолипга бўлса ҳам, бирикма ёки предикатив қўшилма каби нутқ жараёнида юзага келмайди, балки тилда тайёр луғавий бирлик ҳолатида бор эканлиги ҳолда, нутқ учун шундайлигича танланади. Ана шу нуқтада фразеологик бирликлар лексикализация ҳодисаси билан «кесишади» Шу сабабли фразеологик бирликлар ва лексикализация ҳодисасининг ўзаро муносабатини текшириш муҳимдир. Маълумки, *лексикализация* деганда морфема ёки сўз бирикмаси шаклидаги тил элементларининг мазмуни бир лексемага тенг келадиган луғавий бирликка айланиш жараёни тушунилади ва ифода-мазмун планида лексикализация бирлик ва ФБ ўртасида формал белгилар нуқтаи назаридан ўхшашликлар мавжуд эканлиги ҳам диққат қаратиш муҳимдир.

Ушбу ўринда гап ФБлар ва уларнинг лексикализация ҳодисасига муносабати ҳақида борар экан, юқорида таъкидлаганимиздек, бу бирликларнинг тил ҳодисаси сифатида қаралиши муайян аниқликларни талаб қилади. Чунки ФБларга тил ҳодисаси сифатида қарашнинг ўзиёқ унинг лексикализацияга муносабатини аниқлашга ўтиб бўлмас ғов қўяди. Табиийки, бундай пайтда ФБлар чиндан ҳам тил ҳодисасими, деган саволни ўртага қўйишга мажбур бўламиз. Алоҳида олинган лексема тил қурилишининг луғавий маъно англатувчи унсури сифатида тил ҳодисаси саналиши албатта, ҳеч кимда шубҳа туғдирган эмас. Аммо систем тилшуносликнинг нуқтаи назари бу борадаги тасаввуримизни кенгайтиради.

Ўзбек тилшунослигида систем лексикологияга оид қарашларни умумлаштирган, айти пайтда, бу борада ўз назарий мулоҳазаларини баён қилган Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловлар қуйидагиларни ёзишган: «...лексеманинг энг асосий хусусияти унинг «тайёрлиги», яъни ясама эмаслигидир. Демак, лексема муайян қолипнинг, муайян қонуниятнинг маҳсули, ҳодисаси бўлмаслиги лозим. Масалан, [китоб], [уй], [биз], [ўғил], [кел], [кет], [қоч], [қол], [чўзиб], [ажойиб], [уч], [беш] каби минглаб тайёр бирликлар воқеликдаги нарса, белги, миқдор, ҳаракат, ҳолат, хусусиятларни атаб, ифодалаб келади. Улар жамиятнинг барча аъзолари учун тайёрлиги билан ажралиб туради.

Лексемаларнинг “тайёр”лик белгиси анъанавий тилшуносликнинг “туб сўзлар”, “ўзақлар” тушунчасига мос келгандай кўринади. Аслида эса бундай эмас. Ҳақиқатан ҳам,

анъанавий тилшуносликнинг “туб сўзлари” ва “ўзаклари” тилдаги лексемаларнинг нутқда воқелашишининг бир туридир» (4, 38).

Агар лексемага сўз деб қарасак-чи? Сўз - «лексеманинг нутқда муайян шакл ва вазифа билан воқеланган кўриниши. Ўз товуш қобигига эга бўлган, объектив нарсалар ҳақидаги тушунчани, улар ўртасидаги алоқани ёки уларга муносабатларни ифодалай оладиган, турли грамматик маъно ва вазифаларда қўлланадиган энг кичик нутқ бирлиги». (3,95).

Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловлар ҳам сўзнинг нутқ бирлиги эканлигини эътироф этишади. «У лексемаларнинг ва сўз яшаш қолиплари ҳосилаларининг ўхшашлик ва кўшничилик муносабатлари асосида аниқланган, муайян шакл, мазмун ва вазифа кашф этган кўринишидир». (4, 54).

Одатда битта сўзга тенг келадиган лексема нутқ бирлиги сифатида қаралар экан, бир неча сўзнинг қўшилишидан таркиб топган ФБларни ҳам нутқ бирлиги деб аташимизга нима монелик қилади? Бу сўзлар нутқдан ташқарида бўлган қандай ҳолатда ва қачон ибора тарзида бирикиб улгурган? Маълум бўладики, улар тилда турғунлашиб, маълум бир маънони ифодалайдиган ва тил истеъмолчилари учун тушунарли ҳолига келгунга қадар қандайдир ўзаро бирикиш, синтактик муносабат жараёнини кечирган бўлади. Ўз-ўзидан аёнки, бу бирикиш фақатгина нутқда амалга ошади. Турғунлашиш ва нутқда тил элементи сифатида, тайёр ҳолда иштирок этиш эса бу birlikлар ҳаётидаги иккинчи босқич саналади. Демак, улар мана шу ҳолатга келгунга қадар, яъни тил ҳодисасига айлангунга қадар ҳам нутқий жараёнда иштирок этиш вазифасини ўтаган.

ФБларнинг нутқий жараён маҳсули эканлигини тан олишгина уларнинг лексикализацияга муносабати ҳусусида мулоҳаза юритишимизга имкон беради.

А.Э.Маматовнинг қуйидаги фикрлари масаланинг моҳиятини яна ҳам ойдинлаштиради: «...фразеологияни «кенг» ва «тор» маънода тушуниш нотўғри, уни битта маънода тушуниш керак. Улар қандай тил birlikлари деб тасниф қилинишидан қатъий назар, афоризмми, мақол ёки маталми, турғун сўзлашув формулаларими, «қанотли сўзлар»ми, хуллас, агар улар фразеологизмнинг биз берган таърифига мос тушса, ундаги талабларни бажара олса, яъни тузилиши жиҳатидан сўз бирикмасига ёки гапга тенг бўлган, образли, умумлашган маъно англатадиган, лексик элементлари қисман ёки тўлиқ кўчма маънога эга бўлган, луғатларда қайд этилган ҳар қандай турғун лексик-семантик birlikлар фразеологик birlikлар доирасига киритилиши шарт». (2,212).

Айтилган фикрларни умумлаштирадиган бўлсак, яхлит ҳолда кўчма маъно англатадиган барча луғавий birlikларни ФБлар сифатида қараш мумкин бўлади. Аммо ҳар хилликдан қочиш ва аниқликка интилиш мақсадида бу борада Ш.Раҳматуллаев айтган қуйидаги фикрга таяниб иш кўрамиз, яъни ФБ ларнинг икки гуруҳига эътиборимизни қаратамиз: «Фраземадан яхлитлигича англашиладиган маъно билан унинг таркибидаги лексемалар англатадиган маънолар орасидаги муносабат асосида фраземаларнинг икки семантик тури фарқ қилинади: 1) фразеологик бутунлик, 2) фразеологик чатишма.

Маъноси таркибидаги лексемаларга хос маънолар асосида изоҳланадиган, шу лексик маъноларнинг умумий маҳражи сифатида гавдаланадиган фразема **фразеологик бутунлик** дейилади.

Қуйидаги мисолларни қиёсланг: 1) *Турғун ота узоқ бош қашир, кейин бирдан энгин шимарар. (О).* 2) *Шундай қилиб, Тожибойнинг раислик даври тамом бўлди. Ойимхон Советнинг печатини ундан олиб, кўкрак чўнтагига солиб қўйди. Ойимхон энг шимариб иш бошлади (П.Т.).*

Маъноси таркибидаги лексемаларга хос маънолар асосида изоҳланмайдиган, бу лексемаларга хос лексик маъноларни ҳисобга олмайдиган фраземага **фразеологик чатишма** дейилади.

Мисоллар: *Ҳадеб тўнингизни тескари кияверманг (Н.С.), Овчи узоқдан ўпкасини қўлтиқлаб чопиб келди (Эртақдан)».*

Фразеологик чатишманинг тилдаги иккинчи номи **идиома** дир.

Маълум бўладики, таърифларда зиддият йўқ, аксинча улар бир-бирларини тўлдиради.

ФБ ҳам тилдаги барча birlikларда бўлгани сингари ифода ва мазмун планига эга. Ифода планида унинг қурилиши тушунилади. Бу қурилмада камида иккита мустақил сўз (лексема) иштирок этиб, ўзаро синтактик боғланган бу сўзлар моҳиятига кўра бирикма ёки гапга тенг бўлади (5,9-10). Демак, ифода планида улар сўз бирикмаси ёки гап шаклида бўлса, мазмун планида лексемага тенг бўлади (маъно ҳамма вақт ҳам аниқ реаллашавермаслиги мумкин). Тадқиқотчилар *лексик сўз бирикмалари*, деганда ФБларнинг ана шу жиҳатларини назарда тутишган. «...мазмун планига кўра ФБлар лексик birlik (сўз)ларга яқин турса, ифода плани жиҳатидан улар синтактик birlik (сўз бирикмаси, гап)ларга яқиндир. Аммо ФБ сўзга ҳам, сўз бирикмасига ҳам, гапга ҳам тўла маънода тенг эмас» (1,6). Бу айтилган фикрларнинг моҳиятини чуқурроқ англаш ҳам ФБларнинг лексикализацияга муносабатини аниқлашда маълум аҳамиятга эга. Бу birlikларнинг сўз ясалишига бўлган алоқаси ҳам ана шундан келиб чиқади.

К.М.Гюлумянц «Поляк тилидаги айрим турғун birlikмалар семантикасининг эволюцияси» номли маърузасида қуйидагиларни баён қилган эди: «Эркин birlikмаларнинг турғун birlikмаларга ўтиш сабабларидан бири лексикализация жараёни бўлиб ҳисобланади. Фразеология соҳасидаги лексикализация деб биз birlikма таркибидаги алоҳида компонентлар семантик маъноларининг аста-секин сезилмайдиган даражага келишини, фразеологизмларнинг birlikма қисмлари маънолари устида турадиган умумий маънога эга бўлишини айтамыз» (6,239).

Масалани мана шу тарзда тушуниш ФБларнинг лексикализацияга муносабати масаласига яна ҳам ойдинлик киритади. Зеро, ФБлар компонентлари ўртасида синтактик муносабатлар мавжуд ҳолатлар улардаги лексикализация ҳодисасининг амал қилиш доирасини ҳам чегаралайди, ҳам равшанлаштиради. Мавжуд лексикализациялашиш қоидаларига мувофиқ келган ҳолатлардагина ФБлар лексикализацияси ҳақида гапириш мумкин бўлади.

Масалани мана шу тарзда қўядиган бўлсак, ўзбек тилидаги барча ФБларга ҳам лексикализациялашув талабини қўя оламизми? Йўқ, албатта.

Фразеологик бутунликнинг маъноси унинг таркибидаги birlikлар лексик маъноларининг умумий маъносидан келиб чиқади ва улар тилда мавжуд бўлган маълум бир лексемага эквивалент бўлади. Масалан: *авж олмоқ* – а) ривожланмоқ. *Бригадада агротехника қоидаларига тўла риоя қилингани учун гўзалар барқ уриб авж олмоқда* (Р.Файзий); б) зўраймоқ, кучаймоқ. *Отшмалар тамом бўлаётгандек бир нафас пасаяр ва яна авж олар эди* (П.Турсун); *азоб чекмоқ* – қийналмоқ. *Бригадир кўп вақтлардан буён жигар касалидан азоб чекарди* (Ш.Рашидов). (5,23).

Мисоллар мазмунидан шу нарса маълум бўлмоқдаки, *авж олмоқ* фраземасининг маъноси *авжланмоқ/авжланиши* сўзларининг *азоб чекмоқ* эса *азобланмоқ* сўзи маъносининг худди ўзи. Бироқ унинг таъсирчанроқ, орбазлироқ кўриниши, холос. Лексикализация ҳодисаси олдига қўйиладиган талаблар ишнинг аввалги қисмларида айтилганлардан маълум. Бу ҳодиса туфайли тилда янги тушунчани англатадиган янги birlik ҳосил бўлиши лозим. Бу ерда шу талаб бажарилаяптими? Саволга ижобий жавоб бериш қийин. Аммо мавжуд нарса-ҳодиса ёки тушунчанинги янгича ифодаси ҳосил бўлганлигини инкор этиб бўлмайди. Биргина *бош* компонентли *боши айланмоқ*, *бошига кўтармоқ*, *бошидан кечирмоқ*, *боши букилмоқ*, *боши эгилмоқ*, *бошига етмоқ*, *бошига келмоқ*, *бошига чиқмоқ*, *бошидан кечирмоқ*, *бошини ачитмоқ*, *бошини емоқ*, *бошини суқмоқ*, *бошини тиқмоқ*, *бош қотирмоқ*, *боши қотмоқ*, *бошини қотирмоқ*, *боши шишмоқ/зовламоқ*, *бош қўшмоқ*, *бошини қўшмоқ* каби ФБларни санаб ўтиш кифоя.

«Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати»даги «А» ва «Б» ҳарфлар доирасидаги айнан шу қолипдаги бошқа ФБларга мурожаат қиламиз: *авра-астарини ағдармоқ* – барча кирдикорларини очиб ташламоқ (7,24,28); *аммамнинг бузоғи* – ландавур, лапашанг (7,26), *анқонинг уруги* – топилиши қийин, камёб (7,27), *аравани олиб қочмоқ* – мақтанмоқ (7,27),

арпасини хом ўрмоқ – ёмонлик қилмоқ (7,27), *белга тепмоқ/белига тепмоқ* – истамаган, кутилмаган ўринда халал етказмоқ (7,36), *бел боғламоқ* – шайланмоқ, отланмоқ, астойдил киришмоқ (7,35), *бели оғримоқ/бели оғримайди* – оғринмайди (7,36), *бел ушлашмоқ/бел боғлашмоқ* – куч синашмоқ (7,36-37), *бел оғритмоқ* – машаққат чекмоқ (7,37), *бир ёстиққа бош кўймоқ* – оилавий ҳаёт кечирмоқ (7,39), *бир ўқ билан икки қуёни урмоқ* – айнан бир вақтда икки нарсани кўзлаб иш тутмоқ (7,40,44), *боши айланмоқ* – беҳуд бўлмоқ, мувозанатни йўқотмоқ (7,45), *бошдан оёқ* – тўла тўқис, бус-бутун (7,15), *бош оғриқ* – ортиқча ташвиш, даҳмаза (7,55) ва бошқалар. Бу каби Фблар луғатда анчагина. Лекин улар аввал таҳлил қилинган *авж олмоқ, азоб чекмоқ* типдаги Фблардан нимаси билан фарқланади? Биринчидан, уларнинг маъноси бир сўзгагина тенг эмас. Бошқача айтганда, уларнинг эквиваленти бир сўзга ҳам, бошқа бир ФБга ҳам тенг бўлиши мумкин. Иккинчидан, улардаги кўчимга асосланган маънолар айнан икки сўзнинг бирикуви натижасидагина келиб чиқмоқда. Биз учун худди ана шу нарса муҳим. Чунки лексикализация ҳодисасида ҳам шундай жараён кечади. Таҳлил эса бизга ФБларнинг бу типини ҳам тил бирликларининг лексикализациялашиши самараси деб ҳисоблашимизга асос бўлади. Учинчидан эса, бу типдаги бирикувларнинг ўзбек тилида дастлаб тўғри маъно англатганлиги, кўчма маъно англатиш эса бирикма ҳолидаги тил бирлиги маъно тараққиётининг иккинчи босқичи эканлиги фикримизни қўллаб-қувватлайди. уларнинг айримлари ҳозирда ҳам ўзининг тўғри маъноларида яшаб келмоқда: *енг шимармоқ, ёқадан тутмоқ, оғзини очмоқ, оғзини ёпмоқ* каби. Масалан: Аммамнинг бузоғини *етаклаб бозорга олиб бордим* – «*Бектемирдан кўнглим тўқ, - деди Али тажанг, - калласи ишлайди. Аммо Сафар чўтир* – у ҳам кўрқоқ, ҳам *аммамнинг бузоғи* (Ойбек. Куёш қораймас), *От хуркиб, аравани олиб қочди - Аравани олиб қочдинг, оғайни. Гапга ҳам амиркон мойи суртиб, гирчиллатворадиган бўпсан-да* (С.Аҳмад. Орийат), *Катталарнинг қистови билан ўтган йили арпа хом ўрилди, натижада уларнинг аксарият қисми панглаб кетди* – «*Хўш, йигитча, қани, нима гуноҳи бор? Арпангни хом ўрдими у?*»- *қизиқсинди Ўктам* (Ойбек. Олтин водийдан шабадалар) каби.

ФБлар туфайли тилда янги лексема пайдо бўладими ёки у мавжуд лексеманинг эквиваленти бўлиб қоладими, деган саволга бу ўринда бироз кенгроқ тарзда жавоб бериш имконияти туғилади. Тилда *лапашанг, ландавур* маъноларини англатиш учун *амма* ва *бузоқ* сўзларининг ўзаро бирикувидан фойдаланилаётган экан, уни лексикализация маҳсули бўлган янги бирлик сифатида эътироф этишга тўғри келади. ФБ сифатида эса у тилда аввалдан мавжуд бўлган ва шу маънони англатадиган бошқа бир бирликнинг эквиваленти бўлиши ҳам мумкин.

Энди ФБларнинг *фразеологик чатишма* деб номланадиган қисмининг лексикализацияга муносабатини кўриб чиқамиз. Қоидага биноан бу типдаги ФБларнинг маъноси унинг таркибидаги лексемалар асосида изоҳланмайди, яъни маъноси ўз таркибидаги сўзларнинг маъносидан келиб чиқмайди. Ҳатто унга зид маъно ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан: *дунёни сув босса тўпизига чиқмаслик* – ўтакетган беғам, ҳаддан ташқари бепарво (5,76), *ерга кириб кетмоқ* – қаттиқ изза бўлмоқ, ўсал бўлмоқ (5,81), *ер тагида илон қимирласа, билмоқ* – ниҳоятда зийрак, сезгир (5,84), *ёстигини қуритмоқ* – бутун оиласи билан ўлдириб юбормоқ (5,89), *жигари эзилмоқ* (5,93), *жонини ҳовучламоқ* – бирор фалокатнинг воқе бўлишидан бениҳоя кўрққан ҳолда (5,100), *зардаси қайнамоқ* – жаҳлланмоқ (5,106), *икки оёғини бир этикка тиқмоқ* – жуда қийин аҳволга тушмоқ (5,111), *икки қўлини оғзига тиқмоқ* – ҳовлиқиб, лозим бўлгандан кўра ортиқроқ нарсани рўёбга чиқариш (шунга эришиш) учун интилмоқ (5,113), *ичини ит тирнамоқ* – яширин ҳолда руҳан безовталанмоқ, ташвишланмоқ (5,116), *ичи қора* – ёмон ниятли, бошқаларга яхшилиқни раво кўрмайдиган (5,117), *кулини кўкка совурмоқ* – бутунлай емирмоқ, йўқ қилмоқ (5,129), *кўзининг пахтаси чиқмоқ/кўзи қинидан чиқмоқ/кўзи косасидан чиқмоқ* – ғзаби кўзида акс этиб, кўзи чақчаймоқ (5,145), *оёғини қўлига олмоқ* – чопмоқ, *тўнини тесқари киймоқ* – ўчакишган ҳолда қайсарлик қилмоқ (5,238), *ўпкасини қўлтиқламоқ* – ҳовлиқмоқ каби.

Бу каби ФБларнинг маъноси унинг таркибидаги сўзларнинг маъносидан келиб чиқмаслигини лексикализация ҳодисасига учраган мураккаб бирикмаларни эслатади. Ҳосила маънонинг бирикмалар таркибидаги сўзлар маъносидан келиб чиқмаслиги ҳақидаги мулоҳаза фақат уларнинг тўғри маъносига тегишли эканлиги унутмаслик лозим бўлади. Ҳатто ҳосилада зид маъноларни ифодаланиши ҳақида фикр ҳам (А.Ҳожиёв) компонентларнинг бирикувидаги лексикализация ва кўчимга асосланган.

Келтирилган ФБларни тўғри маънода тушуниш мантиққа мутлақо зид. Уларнинг ҳеч бирини реал ҳаётда амалга ошириб бўлмайди. Аммо амалга оширилган ҳаракатни бироз бўрттириб, муболағали тарзда ифода этиш эҳтиёжи тилдаги элементларнинг шу тарзда бирикувини тақозо этмоқда. Уларни тўғри маънода тушуниш қанчалик мантиққа зид бўлмасин, ҳаракатларни ўзаро боғлаб турувчи умумий яқинлик ва ўхшашлик мавжуд. Биз уни *классема* тушунчаси орқали изоҳлаб беришга ҳаракат қилганмиз.

Шундай қилиб, ФБларнинг бу кўринишида ҳам лексикализация ҳодисасини кузатамиз ва уларнинг умумий жиҳатлари қуйидаги ҳолатларда намоён эканлигини таъкидлаймиз:

Маълумки, ФБлардан англашиладиган маъно улар таркибидаги сўзларга хос лексик маъноларнинг оддий (арифметик) йиғиндиси бўлмай, устама маъно сифатида, шу билан бир вақтда кўчма маъно сифатида гавдаланадилар. Худди мана шу ҳолатни лексикализация жараёнида ҳам кузатамиз. Ҳар икки ҳолатда ҳам бирикма таркибидаги лексемалар ўз мустақиллигини йўқотади.

Фразеологизация ва лексикализация жараёнида бир сўз эмас, балки бирикма ҳамда унинг таркибида икки ва ундан ортик лексема иштирок этади.

Фразеологизация ва лексикализация ҳодисалари туфайли янги ҳосила маънолар юзага келади. Улар бутунлай янги бўлиши ёки мавжуд лексемаларнинг эквиваленти саналадиган луғавий бирликлар бўлиши ҳам мумкин.

Ҳар икки ҳолатда ҳам ҳосила шакл гапда бир вазифани бажаради.

Ана шу айтилганлар ФБларнинг юзага келишини ҳам нутқий жараён ҳисоблаб, уни фразеологизация деб аташимизга ҳамда бу жараённинг лексикализация ҳодисаси билан муштарак томонлари биз санаб ўтган ҳолатларда мавжуд эканлигини қайд этишимизга ҳуқуқ беради.

Адабиёт

1. *Йўлдошев Б.* Фразеология тарихидан лавҳалар.- Самарқанд: Сугдиёна, 1998. –110 б.
2. *Маматов А.Э.* Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент, 1991. –274 б.
3. *Ҳожиёв А.* Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2002. –168 б.
4. *Неъматов Ҳ., Расулов Р.* Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. –128 б.
5. *Раҳматуллаев Ш.* Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. –408 б.
6. *Голумянц К.М.* Эволюция семантики некоторых устойчивых сочетаний польского языка // Материалы всесоюзной конференции по общему языкознанию «Основные проблемы эволюции языка», часть II. 9-16 сентябрь 1966 года. – Самарқанд: Фан, 1966, с.239-242.
7. *Ўзбек тилининг изоҳли луғати, I том.* – М.: Рус тили, 1981. –632 б.